

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“ _____ ”

Раҳбари _____

(имзо): _____

« ____ » _____ 2021 й.

БИЗНЕС РЕЖА

**КОНДИТЕР
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ
КЕНГАЙТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ
ЛОЙИҲАСИ**

САМАРКАНД – 2021

ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

Лойиҳанинг кискача мазмуни:	
Лойиҳа ташаббускори:	
Ташаббускор (Паспорт маълумотлари):	
Корхонанинг юридик манзили:	
Лойиҳа маълумотлари	
Лойиҳа суммаси:	230 000 000 сўм
Ўз маблағлари ҳисобидан	0 сўм
Кредит маблағлари ҳисобидан	230 000 000 сўм
Кредит шартлари:	
Кредит муддати	12 ой
Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси	30%
Кредит мақсади	<i>Айланма маблағларни тўлдирши</i>
Лойиҳанинг самарадорлик курсаткичлари	
Соф жорий қиймат (NPV), сўмда	3 559 910 129
Ҳозирги қиймати (FCF), сўмда	200 000 000
Ҳозирги қиймати (TV), сўмда	200 000 000
Тўла оқлаш муддати (PP), йил	4,7
Дисконт оқлаш муддати (DPP), йил	4,6
Ички даромад даражаси (IRR), %	34,2%
Асосий фаолият кўрсаткичлари	
Соф пул оқими	5 375 073 600 сўм
Жамланган соф фойда	143 996 955 сўм
Лойиҳа рентабиллиги	11,9%

БИЗНЕС РЕЖАНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ

1. ТАДБИРКОР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ВА ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ
 2. КИРИШ
 3. ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ
 - *ЛОЙИҲАНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА ФОЙДАСИ*
 4. ЛОЙИҲАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ
 - *СЕГМЕНТЛАРНИ АНИКЛАШ*
 - *РАКОБАТЧИЛАР ТАҲЛИЛИ*
 - *МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4-P»*
 - *МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ*
 - *SWOT ТАҲЛИЛИ*
 5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖИ
 - *ИШЧИ РЕСУРСЛАРГА ЭҲТИЁЖИ*
 - *ЛОЙИҲАНИНГ ЭНЕРГОРЕСУРСЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИ*
 - *СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА ЙИҒИМЛАР*
 6. ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ
 - *ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ*
 - *ТАДБИРКОР ХАРАЖАТЛАРИ*
 - *СОТУВДАН ТУШГАН ТУШУМ ХАЖМИ*
 - *ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ ТАН НАРХИ*
 - *КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ*
 7. ХУЛОСА
 8. ОЛИНГАН КРЕДИТНИ КАЙТАРИШ ГРАФИГИ
-
-

КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустакилликка эришгач уз олдига **“бозор иктисодиётига асосланган, очик ташки сиёсатга эга булган кучли ҳукукий – демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш”**дек олий максадни кузлаб, узининг янги тараккиёт йулини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар каторига кушилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Кузланган максадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган **“Ўзбек модели”** (Иктисоднинг сиёсатдан устуворлиги, Конуннинг устуворлиги, Давлатнинг бош ислохотчилик роли, Кучли ижтимоий сиёсат, Бозор иктисодиётига боскичма-боскич утиш)нинг ва **“Харакатлар стратегияси”**ни барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олиниши, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий куллаб-куватлашга қаратилган умумий харажатлари мустакилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги (бирор бир мамлакатда, хаттоки ривожланган мамлакатларда бюджет харажатларининг 50 фоизи атрофида бунча салмоқда ажратилаётгани йук), 2012 йилда 56,5 фоизни ташкил этган булса, бу курсаткич 2017 йилда 59 фоиздан ошганлиги, утган йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ойлик иш хаки, пенсия, нафақа ва стипендиялар уртача 40,0 фоизга ошганлиги бунинг яққол далилидир.

Дунёнинг купгина тараккий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни курсатмоқдаки, аввало, узининг хусусий мулкига эга булган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада купайтириш, асраб-авайлаш, узини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида булган купгина вазифаларни амалга оширишга уз хиссасини кушади. Энг мухими, уз юртида тинчлик ва осойишталикни саклаш ҳамда химоялаш учун астойдил жон куйдиради. Кишлоқ хужалиги ҳам бошқа барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонларга суянгандагина тараккий этади.

Республикамизда сўнги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли, қарорлари, 2019-йилни **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** деб элон қилингани юртимиздаги барча тадбиркорларга имконият ва шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон **“Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини**

таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Кўзланган мақсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган **“Ўзбек модели”** асосида ишлаб чиқилган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (Давлат важамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар)ни барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинishi, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий куллаб-куватлашга қаратилган умумий харажатлари мустақилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли “Ҳар бир оила тадбиркор” Қарори ва 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “Ёшлар келажагамиз” давлат дастури қабул қилиниши ёшларга жуда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бу дастур асосида имтиёзли равишда ёш тадбиркорларга банк кредитлари ажратиш, бандликни таъминлаш ва иш ўрни яратиш дастурни энг олий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тулдириб, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач уз олдига куйган олий мақсад яъни **“бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга булган кучли ҳуқуқий – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”** борасида узокни кузлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараккиётини таъминламоқда.

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ

Ушбу булимда лойиха хақидаги батафсил тухталиб утилади. Жумладан, лойиханинг самарадорлиги, танланишининг асосий сабаблари ва параметрлари,

кузланган мақсадлар асосланиб ташкилотчилар ва лойиханинг кискача мазмуни хақида маълумот берилади.

Ўзбекистон Республикасининг, хусусан Самарканд вилоятида ишлаб чиқариш корхоналари кенг тус олиб, ривожланиб келаётган вилоятлардан биридир. Ташаббускор томонидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва бозор талабини урганиб чикиб, ушбу нон ва нон маҳсулотларига булган талабни имкон қадар кондириш учун маҳсулот турлари ва савдо хажмини ошириш, сифатли кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йулга қуйиш учун ушбу лойиха ишлаб чиқилди.

Ташаббускор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида аҳолининг истеъмол товарларга булган эhtiёжининг кучайиб бораётгани аниқланган. Халқимизнинг дастурхонини кондитер маҳсулотларисиз тассавур қилиш қийин. Ҳатто меҳмондорчиликка бораётганда ҳам нон ва нон маҳсулотларини олиб бориш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолини талаби даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб бериш.

Таҷриба шуни курсатмоқдаки, ишлаб чиқариш даражаси юқори булганлиги сабабли ва таъминотда узилиш булмаганлигидан доимий харидорларни сони кундан-кун ортиб бормоқда. Бозорнинг ички худудида эгалланган мавқеини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида тадбиркор асосий эhtiборни юқори сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлашга, ва уз маҳсулотига бошқа ишлаб чиқарувчиларга нисбатан пастроқ устама баҳоларни қуллаш эвазига сотиш баҳоларини тушириш ва бошқа шу каби омилларни узининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Лойиха жами қиймати 230 000 000 сум бўлиб, айланма маблағларни тўлдириш ва хом-ашё харид қилишни кузда тутуди.

Лойиха уч босқичда амалга оширилиши кузда тутилган:

1 БОСКИЧ – Тайергарлик ишларининг ташкил этилиши

Вакт оралиги: 1 ой.

Қилинадиган ишлар: Кредит ҳужжатларини тайёрлаш, фаолиятни кенгайтириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий асоси ҳисобланган бизнес – режани ишлаб чиқиш ва банк кредитини узлаштириш учун зарурий булган бошқа тайергарлик ишларини амалга ошириш.

2 БОСКИЧ: Кредитни узлаштириш.

Вакт оралиги: 1-2 ой

Қилинадиган ишлар: Банк томонидан ажратилган кредит маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу маблағ ҳисобидан амалга оширилиши кузда тутилган ишларни тулик амалга ошириш. Маҳсулот етказиб

берувчиларни аниқлаш, хом ашёни харид қилиш ва жихозлаб иш фаолиятини ташкил этиш. Режалаштирилаётган фаолиятни тулик ишга туширилиши учун барча имкониятларни яратиш.

3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йўлга қўйилиши.

Қилинадиган ишлар: Тулик тижорат фаолиятини йўлга қўйилиши ва кредит маблағларини қайтариш учун узлуксиз ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб, олтмиш ой давомида кредит маблағларидан тулик қутилиш

ЛОЙИХАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

Маълумки ишлаб чиқариш фаолиятининг, хусусан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли амалга ошиши куп жихатдан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолининг яхшилиги ва турмуш фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли турмуш фаровонлиги эса Республиканинг, хусусан минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги тармоғида аҳолига ва ташкилотларига савдо хизматларини курсатиш, халқ истеъмолчи маҳсулотлари етказиб бериш етакчи уринларни эгаллайди. Республикаимизнинг иқтисодиётида Самарқанд вилоятининг жумладан Самарқанд туманининг ҳам улуши салмоқлидир.

Ташаббускор томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида истеъмол товарларига булган талаб ошиб бораётганлиги, бугунги кунда халқ истеъмол товарларига булган талаб юқори эканлиги аниқланди ва тадбиркор мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолини талаби даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб беришни уз олдиға мақсад қилиб қўйди.

Ташаббускор томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқариш орқали юқори самарадорликға эришган ҳолда кредит суммасини қайтариш қобилиятиға эгадир. Корхонада ушбу фаолиятға меҳнатға лаёқатли 7 нафар мутахассислар ишға жалб қилган бўлиб, иниб, натижада 6 та янги иш ўринлари яратилади.

Ташаббускор ушбу фаолиятни олиб бориш асосида ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига ва ривожланишиға асосий эътиборини қаратади.

Ташаббускор томонидан олинган кредит маблағининг мақсадли фойдаланиши, кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш белгиланган тартибда банк муассаси ва солиқ органи томонидан амалга оширилади.


Ташаббускор ўз фаолиятини амалға ошириш давомида ташқи муҳит таъсирида носоғлом вазиятлар келиш эҳтимолини бартараф этиш учун

белгиланган тартибда ветеринария хизмати, санитария эпидимология инспекциясини ва суғурта ташкилоти билан ўзаро алоқада муносабат мажбуриятларини тузади.

Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида рекламадан фойдаланиб, аҳолининг хизмат кўрсатишга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ўрганиб борилади.

Натижада қуйидаги кўрсаткичларини ташкил қилади;

СЕГМЕНТЛАРНИ АНИКЛАШ



- 1) Бошка вилоят тадбиркорлик субъектлари
- 2) Маҳаллий тадбиркорлар
- 3) Маҳаллий харидорлар харидорлар

Ракобатчилар таҳлили

Жадвал № 1

Ракобатчилар номи	Давлат номи	Нархи	Ишлаб чиқариш куввати
Тумандаги нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлар	Ўзбекистон	Урта	Йиллик 100,0-150,0 млн.сўм

МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4P»

Жадвал № 2

Produkt-Махсулот Сифатли нон ва нон маҳсулотлари	Price-нарх Нарх ҚЎЙИШ тамойили харидорларнинг талабидан Келиб чикиб белгиланади.
Place-Жой Бизнес худуд-корхона Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманида фаолиятини	Promotion -Ҳаракатланиш Тадбиркор ўз пештахта, афишалар, телевидения оркали реклама ва Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг

амалга оширади. Ушбу манзилдан Ўзбекистон буйлаб етказиб бериш имконияти мавжуд.	расмий веб сайтидан ва «Yellowpegas» каталогли журналларидан ҳамда www.alibaba.com глобал тармоги оркали миждозни ўзига жалб этади.
--	--

МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ

Жадвал № 3

Мазмуни	Сегмент 1 (Импортёрлар)	Сегмент 2 (Худудий тадбиркорлар)	Сегмент 3 (Вилоятларда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар)
Истеъмолчиларнинг тавсифи	Қўшни давлатлар	Худудда фаолият кўрсатаётган чакана ва улгуржи савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар	Вилоятларда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи, чакана ва улгуржи савдо фирмалари
Истеъмол хажми	10%	60%	30%
Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	Қўшни давлатлар	Самарқанд вилояти	Вилоятлар
Махсулотга талабнинг камайиши, купайиши ёки барқарорлиги	Купаяди	Купаяди	Купаяди
Махсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Урта	Урта
Махсулотни истеъмолчиларга жалбэтиш	Мақбул нарх Сифат	Мақбул нарх Сифат	Мақбул нарх Сифат

БОЗОР ТАЛАБИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида аҳолининг нон ва қандолатчилик маҳсулотларига булган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу махсулотларга эhtiёж ва талабнинг юқори булиши худуддаги ижтимоий ахволнинг яхшиланиб бориши ва аҳоли даромадларининг ўсишига боғлиқ булиб, бугунги кунда арзон нархли ва сифатли махсулотларга аҳолида талаб катта.

Потенциал талабга қуйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

1) Бозорда таклифнинг талабдан кам булиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кутарилишига, аҳолининг дефицитга айланган махсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.

2) Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.

3) Ижтимоий сиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тугри мутаносиб равишда таъсир қилади.

4) Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тугри мутаносиб равишда таъсир курсатиши мумкин.

5) Юқоридаги омилларга ухшаш яна куплаб сиёсий аҳвол, иқтисодий танглик ва мафкуравий узгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик узгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар ҳам потенциал талабнинг узгаришига уз таъсирини утказиши мумкин.

SWOT ТАХЛИЛИ

Жадвал № 4. Ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Нархнинг нисбатан пастлиги. ✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик ✓ Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ✓ Ракобатбардошлилик ✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ташқи омилларга таъсирчанлик ✓ Истеъмолчилар ва харидорлар ишончини ва ишлаб чиқариш куникмасини шакллантиришда юзага келадиган кийинчиликлар ✓ Дастлабки босқичда бозорнинг каттик ракобатига таъсирчанлик
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиклар (Treats)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Четдан қушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги ✓ Уз савдо дукони орқали махсулот сотишни йулга қуйиш имкони мавжудлиги ✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва купайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Юзага келиши мумкин булган гирром ракобат ✓ Дастлабки вақтда бозорга чиқиш ва махсулотни сотиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган кийинчиликлар. ✓ Ва. х. к..

ИШЛАБ ЧИКАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖ

ИШЧИ РЕСУРСЛАРИ ЭХТИЁЖИ

Ушбу лойиханинг ишчи кучига ва ходимларга булган талаби 6 кишини ташкил килади. Ишчиларининг иш вакти 12 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 21:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вакти хисобида булади.

Ишчи кучи учун туланадиган иш хаки бир ойда 6 кишига 9 100 000 сумни ташкил килади. *(Каранг: Жадвал №8)*

ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГОРЕСУРСЛАРИГА БУЛГАН ТАЛАБИ

Корхона биноси барча коммунал тармоқларга уланган булиб, барча шароитлар мавжуд. Бундан ташқари ушбу корхона сахар инфратузилмасига якин жойлашган ва барча турдаги транспортлар катнови йулга куйилган. Бунда электр энергияси ижара ҳақи харажати, табиий газ ва сув харажатлари уртача ойлик 1 690 000 сумни ташкил килади. . *(Каранг: Жадвал №10)*

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА ЙИГИМЛАР

Лойихага асосан солиқ туловлари асосан икки турда булиб, бири ишчилар иш хакидан солиқ туловлари ва иккинчиси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганлик учун ягона солиқ туловидан иборат. Барча солиқ туловларининг хисоби молиявий булимда келтирилган.

ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 5. Умуминвестицион харажатлар (асбоб ускуна хом ашё учун)

№	Номланиши	Ул.бир.	Сони	Нархи (сум)	Жами киймати (сум)
1	Ротацион печка	Дона	2	60 000 000	120 000 000
2	Миксер (60 литр)	Дона	2	10 000 000	20 00 000
3	Миксер (30 литр)	Дона	2	5 000 000	10 000 000
4	Қўшимча ускуналар хариди учун	Комп	1	20 000 000	20 000 000
5	Хом-ашё хариди учун	Комп	1	30 000 000	30 000 000
Жами инвестицион харажат					200 000 000

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

Жадвал № 6. Лойиха харажатларининг молиялаштириш манбаалари

№	Номланиши	Жами харажат	Кредит ҳисобидан		Шахсий маблағ ҳисобидан	
			%	сум	%	сум
1	Ротацион печка	120 000 000	100%	120 000 000	0%	0
2	Миксер (60 литр)	20 00 000	100%	20 00 000	0%	0
3	Миксер (30 литр)	10 000 000	100%	10 000 000	0%	0
4	Қўшимча ускуналар хариди учун	20 000 000	100%	20 000 000	0%	0
5	Хом-ашё хариди учун	30 000 000	100%	30 000 000	0%	0
Жами			100%	200 000 000	0%	0
<i>Яли инвестицион харажат</i>					200 000 000	
<i>Харажатларни молиявий манбаалари</i>						
<i>Кредит маблағлари ҳисобидан</i>						100%
<i>Ўз маблағлари ҳисобидан</i>						0%

Жадвал № 7. Лойиха олди молиявий харажатлари

№	Номланиши	Хисоб базаси (сум)	Хисоб нормаси (% хисобида)	Харажат суммаси (сум)
1	Гаров таъминоти сугуртаси	200 000 000	0,5%	1 000 000
2	Хужжатларни расмийлаштириш учун нотариус туловлари	200 000 000	0,5%	1 000 000
3	Бизнес режани тайёрлаш харажатлари	200 000 000	0,2%	400 000
Жами лойиха олди молиявий харажатлари				2 400 000

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиб, қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

- Нон маҳсулотлари;
- Ширинликлар (печенье);
- Пишириклар (торт);
- Рулет ўрамаси.

Ушбу маҳсулотларнинг ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

Жадвал № 8. Ишлаб чиқарилган маҳсулот нархи.

Нон маҳсулотларининг ўртача нархи	800 сўм
Ширинликларнинг ўртача нархи	12 000 сўм
Пиширикларнинг ўртача нархи	80 000 сўм
Рулет ўрамасининг ўртача нархи	10 000 сўм

Изоҳ: Маҳсулот нархлари аҳолининг талаблари асосида мақбул нархларда келтирилган.

КОРХОНАНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

Жадвал № 9. Ишлаб чиқариш режаси

№	Хизмат кўрсатиш номи	Ўл. бир.	1 кунда кўрсатиладиган хизмат миқдори	1 ойда кўрсатиладиган хизмат миқдори	1 йилда кўрсатиладиган хизмат миқдори
1	Нон маҳсулотлари	дона	500	13 000	156 000
2	Ширинликлар	кг	80	2 080	24 960
3	Пишириқлар	дона	15	390	4 680
4	Рулет ўрамаси	дона	50	1 300	15 600

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 10. Штат жадвали

№	Лавозими	Сони	Урта ҳисобда ойлик маош	Жами бир ойлик харажат	Жами биринчи йиллик
1	Раҳбар	1	1 400 000	1 400 000	16 800 000
2	Бухгалтер	1	1 200 000	1 200 000	14 400 000
3	Ишчи ходимлар	4	1 000 000	4 000 000	48 000 000
Жами		6		6 600 000	79 200 000

Изоҳ: Ишчи ходимларни иш хақи корхонани молиявий ҳолатидан келиб чикиб, ўзгариб туради. Ушбу ҳолат тадбиркор томонидан амалга оширилади.

Иш ҳақидан ойлик ажратмалари (12%) ҳисоб китобини куриб чиқамиз:

Жадвал № 11. Умумий иш ҳақи ҳисоб-китоби

№	Номланиши	1 ой	1 йил
1.	Иш ҳақи	6 600 000	79 200 000
2.	Иш ҳақидан 12 % ажратма	792 000	9 504 000
ЖАМИ:		7 392 000	88 704 000

Жадвал № 12. Коммунал Харажатлар

№	Номланиши	Сони	Сумма	1 ой	1-йил
1	Эл.энергия	1250 кВт/соат	1000	1 250 000	15 000 000
2	Сув таъминоти	75 куб.м	1200	90 000	1 080 000
3	Газ таъминоти	350 куб.м	1000	350 000	4 200 000
	Жами			1 690 000	20 280 000

СОТУВДАН ТУШГАН ТУШУМ ХАЖМИ

Жадвал № 13. Бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган тушум

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	1 йилда	Нархи (сум)	Жами суммаси (сум)
1	Нон маҳсулоти	Дона	156 000	800	124 800 000
3	Ширинликлар	Кг	24 960	12 000	299 520 000
4	Пишириклар (торт)	Дона	4 680	80 000	374 400 000
5	Рулёт	Дона	15 600	10 000	156 000 000
	Жами:				954 720 000

СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ ТАННАРҲИ

Жадвал № 14. Бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	1 йилда	Таннархи (сум)	Жами суммаси (сум)
1	Нон маҳсулоти	Дона	156 000	550	85 800 000
3	Ширинликлар	Кг	24 960	9 000	224 640 000
4	Пишириклар (торт)	Дона	4 680	55 000	304 200 000
5	Рулёт	Кг	15 600	8 000	124 800 000
	Жами:				739 440 000

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИНИ ҚАЙТАРИШ

Жадвал № 12.

Номланиши	2020	2021	2022	2023	2024
Асосий қисмидан	0	50 000 004	50 000 004	50 000 004	49 999 988
Фоиздан	16 000 000	14 166 667	10 166 666	6 166 666	2 166 666
Кредит туловларини қайтариш	16 000 000	64 166 671	60 166 670	56 166 670	52 166 654

Олинган кредит маблағлари 2024 йилда тўлиқ тўланади.

КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ

Жадвал № 15. Соф фойда.

№	Номланиши	1- йил	2- йил	3-йил	4-йил	5-йил
1.	Хизматлардан тушган тушумлар	954 720 000	1 050 192 000	1 097 928 000	1 126 569 600	1 145 664 000
2.	Хизмат кўрсатиш харажатлари	739 440 000	813 384 000	850 356 000	872 539 200	887 328 000
3.	Ялпи даромад	215 280 000	236 808 000	247 572 000	254 030 400	258 336 000
4.	Маош харажатлари	79 200 000	87 120 000	91 080 000	93 456 000	95 040 000
5.	Реклама харажатлари	1 500 000	1 650 000	1 725 000	1 770 000	1 800 000
6.	Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар	4 773 600	5 250 960	5 489 640	5 632 848	5 728 320
7.	Иш ҳақидан ажратма 12%	9 504 000	10 454 400	10 929 600	11 214 720	11 404 800
8.	Ягона солиқ тўлови 4%	38 188 800	42 007 680	43 917 120	45 062 784	45 826 560
9.	Ялпи фойда	82 113 600	90 324 960	94 430 640	96 894 048	98 536 320
10.	ЕБИТДА	82 113 600	90 324 960	94 430 640	96 894 048	98 536 320
11.	Амортизация харажатлари	10 000 000	10 000 000	10 000 000	10 000 000	10 000 000
12.	ЕБИТ	72 113 600	80 324 960	84 430 640	86 894 048	88 536 320
13.	Кредит	16 000 000	64 166 671	60 166 670	56 166 670	52 166 654

	тўловлари					
14.	Солиқга қадар тушган даромад	56 113 600	16 158 289	24 263 970	30 727 378	36 369 666
15.	Фойда солиғи 12%	6 733 632	1 938 995	2 911 676	3 687 285	4 364 360
16.	Сой фойда	49 379 968	14 219 295	21 352 293	27 040 093	32 005 306
17.	Соф рентабеллик	22,94%	6,00%	8,62%	10,64%	12,39%

ХУЛОСА

Даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни курсатмоқдаги лойиханинг соф рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда уртача 11,9% ни ташкил қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиха тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва кредит маблағларини уз вақтида қайтарилиши ва мулжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини курсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тула мос келади ва ривожланиш, тараккий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, ҳудуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз хиссасини қўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб – китобларни ўрганиб чиқиб ташаббускор қандалотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида фаолиятни шакллантириш учун 200 000 000 (Икки юз миллион) сум миқдордаги кредитни узлаштиришга қарор қилади ва бу кредитни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни уз зиммасига олади.

_____ сана « ____ » _____ 2021 й.

(имзо)